



Россия тарихининг совет даврида Владимир Ильич Ленин номи билан боглик жуда кенг кўламли шахсга сигиниш юз берди. СССРда унинг номи ва гоёлари Октябрь инкилоби билан, кейинрок эса И.В.Сталиннинг (КПСС XX съездигача) номи билан баравар улугланди.

Ленин вафот этгач, 1924 йил 26 январда собик пойтахт Петроград шахрининг номи Ленинград деб ўзгартирилди. Лениннинг номи шаҳарлар, кишлоклар ва энг муҳим кўчаларга қўйилди. Хар бир шаҳарда Ленин хайкали турарди. Публицистикада, гуманитар йўналишлардаги илмий асарларда айтилган фикрлар Лениндан олинган иктибослар билан тасдиқланарди. Болалар учун «Ленин бобо» хакида жуда кўп хикоялар ёзиларди. Мамлакатда яшовчи 7-9 ёшли хар бир бола октябрийлар сафига қабул қилиниб, кўксига Ленин сурати туширилган юлдузча қадаб қўйиларди. Лениннинг портретлари заводларда, мактабларда, болалар богчаларида, олий ўқув юртларида осилиб турарди.

Ленин шахсига сигиниш учун шарт-шароитлар ВКП(б) ташкил топгандан сўнг яратилган бўлиб, 1923-24 йилларда узил-кесил шаклланди. Сталин шахсига сигиниш барҳам топгач, СССР ҳукумати уни Ленин шахсига сигиниш билан алмаштирмоқчи бўлди. Бирок, ҳукуматнинг улкан уринишларига қарамай, 1970-йилларга келиб Ленин шахсига сигиниш СССР аҳолисининг катта қисми томонидан биров кинояли тарзда қабул қилина бошлади.

СССР парчаланиб кетгач, Ленин шахсига сигинишни тугатиш жараёни бошланди.

1918 йилга кадар

Ленин шахсига сигинишнинг пойдевори инкилобдан анча аввал, 1903 йилда большевиклар партияси ташкил топган пайтларда қўйилган эди. Ричард Пайпснинг таъкидлашича, Ленин асос солган партия унинг шахси билан ажралмас эди. Партия ташкил қилинган пайтдан бошлаб Ленин большевиклар орасида РСДРП(б)нинг асосчиси ҳамда унинг асосий раҳнамоси сифатида катта хурмат-эътибор қозонган эди.

Америкалик тарихчи Нина Тумаркин «Ленин барҳаёт! Совет Россиясида Ленин шахсига сигиниш» номли асарида таъкидлашича, большевиклар 1903 йилларданок Лениннинг «гипнотик таъсири» остига туша бошлашган; Ричард Пайпснинг айтишича, Ленин шубҳасиз иқтидорли раҳбар бўлган.

Николай Валентинов-«Самсонов» 1904 йилдаёқ Женевада Ленин атрофида унга нисбатан «муҳаббат» муҳити пайдо бўлганлигини аниқлади. Николай Суханов 1917 йилнинг баҳорида большевикларни таърифлар экан, уларни Ленин раҳбарлигидаги ўзининг мафкуравий марказига Мукаддас Кадахга сизингандек сизинадиган одамлар деб, Лениннинг ўзини эса «орденнинг мумтоз буюк магистри» деб билувчи одамлар деб атаган. Луначарский ва Потресов ўз хотираларида большевикларнинг Ленинни бу қадар эъзозлашини тавсифлашар экан, буни унинг юксак иқтидори туфайли муқаррар деб сифатлашган.

Аммо узок пайтгача Лениннинг партиядаги мавқеи совет даврининг охириги пайтидаги маддохликдан мутлақо узок эди; боз устига, Лениннинг РСДРП(б)даги ҳукмронлиги ҳам

асло мутлак эмас эди. 1917 йилдаги бир катор хал килувчи қарорлар МКнинг оддий кўпчилиқ овозлари томонидан, баъзан эса ҳатто Лениннинг ошқора истак-хошишига мутлақо қарши ҳолда қабул қилинган. Масалан, МК Октябрь инқилобини тайёрлашга қарши чиққан Зиновьев ва Каменевларни партиядан чиқаришдан бош тортган, Брест-Литва тинчлик сулҳини эса Ленин истеъфода чиқаман деб таҳдид қилганидан кейингина маъқуллаган эди.

Ленин шахсига сигиниш 1917 йилнинг кузидаёқ аста-секин шакллана бошлаган. Бу биографияда Ленин «биргина ташвиши партиядан иборат бўлган» камтар зохид сифатида тасвирланган.

Тахминан ҳудди шу пайтда «Солдатская правда» газетасида Лениннинг яна бир таржимаи ҳоли чоп қилинган бўлиб, уни Крупская Лениннинг ўз таҳрири остида ёзган эди. Нина Тумаркиннинг айтишича, бу таржимаи ҳол «фактларининг аниқлиги ва камтарона услуби билан ажралиб туради», аммо айнан шу таржимаи ҳолда ёш Лениннинг қароволуқлар билан алоқаси бўлгани айтмай қетилган эди. 1917 йилнинг ёзида инқилобчи солдатларнинг илтимосига биноан бошдан-оёқ Лениннинг ўзи томонидан ёзилган яна бир таржимаи ҳол эса янада камтарона бўлиб, унда Александр Ульяновнинг қатл қилиниши, ёш Лениннинг университетдан ҳайдалиши ва 1895 йилда ҳибсга олиниши ҳақидагина ёзилган эди, ҳолос.

Ленинга аталган илк шеърий мадҳия 1917 йил 29 октябрдаёқ «Правда» газетасида, уч ҳафтадан кейин эса «Солдатская правда»да пайдо бўлди. 1918 йил 1 майда Демьян Бедныйнинг «Дохийга» деб аталган тумтарок шеъри чоп қилинган бўлиб, унда Лениннинг асарлари «меҳнатнинг муқаддас Инжили» деб, большевизм душманлари эса «иудалар» деб аталган эди. 1918 йилда Талдом шахрининг номи Ленинск деб ўзгартирилди (бирок Талдом шахрининг Ленинга ҳеч қандай алоқаси йўқ. 1929 йилда шаҳарнинг ўз номи тикланган). 1918 йил августда биринчи большевистик агитпоезд тузилган бўлиб, у «Ленин поезда» деб аталган.

1918 ЙИЛНИНГ КУЗИ

Ричард Пайпснинг айтишича, Ленинга багишланган биринчи хакикий маддохлик тўлкини 1918 йилнинг кузида, унга Фанни Каплан суикасдидан кейин бошланган. Бунинг окибатларидан бири – матбуотдаги ҳамда партия рахбарларининг, жумладан, Свердлов, Зиновьев ва Троцкийларнинг нуткларидаги узундан-узок мадхлар бўлди.

Бу маънода Нина Тумаркин Зиновьевнинг 1918 йил 6 сентябрдаги, 200 минг нусхада чоп килинган нуткига эътибор каратади. Зиновьев бу нуткда Лениннинг анчагина тузатишлар киритилган, ошкора диний тус берилган таржимаи холини баён килган. У Лениннинг дворян эканини «унутиб», уни «камбагал оиладан келиб чиккан» деб атади.

Бу нуткда Лениннинг шахсияти мукаддаслаштирилган насроний авлиёнинг васфига ўхшаб кетади, унинг «Нима килмок керак?» асари эса «искрачиларнинг Инжили» деб аталади.

Большевикларнинг «Беднота» газетаси мухаррир Л.Сосновский бундан ҳам ўтиб тушиб, Ленинга шахидлик мартабасини беради, уни Исо Масихга ўхшатиб, шундай дейди: «Ленинни ўлдириб бўлмайди. Ленин бош кўтарган ва курашаётган пролетариат билан шу кадар жипслашиб кетганки, уни ўлдириш учун дунёдаги барча ишчиларни кириб ташлаш керак. Пролетариат тирик экан, Ленин тирикдир». Ана шу даврга оид яна бир маколада эса Лениннинг «мўъжиза туфайлигина», «пролетариат иродаси» аралашуви туфайлигина тирик колгани айтилган.

1918-19 йилларда кўчаларга Лениннинг номини бериш бошланди, унинг дастлабки бюстлари пайдо бўла бошлади.

Ричард Пайпснинг айтишича, бунаканги ёппасига маддохликка Лениннинг ўзи чек кўйди. Бонч-Бруевичнинг хотираларига кўра, Ленин суикасддан кейин согайиб кетгач, газеталарда ўзи хакида ёзилаётган маколаларни ўкиб, «дахшатга тушган», дархол Ольминский билан Лепешинскийни чакиртириб, уларни «Правда» ва «Известия» тахририятларига юбориб, «хаммаси тўхтатилсин» деб буюрган.

Ўша даврдаги маддохлик шаклларида бири большевиклар дохийларининг, биринчи

навбатда Ленин ва Троцкийнинг турли-туман съездларнинг (хатто шахмат-шашка съездларининг ҳам) фахрий раислиги ва фахрий президиумларига мунтазам равишда сайланиши ва уларга шу каби фахрий унвонлар берилиши эди. Масалан, Ленин вафот этган пайтда жами йигирмата харбий кисмнинг «фахрий кизил аскар» эди.

Биргина 1923 йилнинг июнь-июль ойларида сиёсатдан кетган, ўлим тўшагида ётган Ленин Коминтертнинг фахрий раиси, Бутунроссия металлист ишчилар иттифокининг VI съезди, Россиянинг фахрий кооператори, август ойида Бутунроссия кишлок хўжалик ва чакана-саноат кўргазмасининг фахрий раиси, октябрда Петросоветнинг фахрий аъзоси ҳамда шу ташкилотнинг беш йиллик юбилейига бағишланган тантанали комсомол мажлиси президиумининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Ноябрь ойида Ленин Центросоюз вакиллари йигилишининг фахрий раиси, Бутунроссия коғоз саноати ишчиларининг VI съездининг фахрий раиси, илмий ходимларнинг Бутунроссия I съезди ҳамда халк маорифининг губерния бўлим мудирларининг Бутунроссия IV съездларининг фахрий раиси этиб сайланган.

ЛЕНИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (1920 ЙИЛ)

1920 йилда Лениннинг 50 йиллик юбилейи шарафига ҳамду саноларнинг кучли янги тўлкини бошланиб кетди. Ушбу санага бағишлаб Демьян Бедный ва Маяковскийнинг янги шеърлари пайдо бўлди, В.И.Невский Лениннинг романтиклаштирилган, мактову мадхиялар билан тўлиб-тошган ва 200 минг нусхада босилган таржимаи холини ёзди.

Зиновьев, Сталин, Бухарин ва Сосновскийлар ўзлари алоҳида мадхиялар ёзиб чоп этишди; Троцкий «Ленинда миллийлик» деб аталган кутилмаган мақола ёзиб, унда большевиклар раҳнамосини рус халқининг асл миллий пешвоси ва сал қолса славянофил сифатида тасвирлади.

Максим Горькийнинг юбилей шарафига ёзган «Владимир Ильич Ленин» деб номланган эссеси янада кутилмаган воқеа бўлди. Горький мактову хушомадлар никоби остида деярли хакоратларга ўтиб кетган бўлиб, шу муносабат билан Ленин бу мақоланинг «Коммунистик Интернационал» журналида чоп қилинганидан гаши келганини изҳор қилди. У Политбюрога юборган хатида «унда нафакат ҳеч қандай коммунистик рух йўқ, балки анчагина аксилкоммунистик рух бор» деб ёзди. Аслида эса Горький бу эсседа Ленинни «фикрловчи гильотина» деб атаган, шунингдек, «мен яна мардларнинг муқаддас жунунига ҳамд айтаман. Улар ичидан Владимир Ленин эса – биринчиси ва энг мажнунидир. ...диний қайфиятлар устувор бўлган даврда Ленинни авлиё санаган бўлишарди. Мен биламан: бу нарсаси мешчанларнинг газабини келтиради, кўпгина ўртоклар мийиғида қулиб қўядилар, Лениннинг ўзи ҳам қаҳқаҳа отиб қулиб юборади... Каттиққўл реалист, айёр сиёсатчи бўлган Ленин аста-секин афсонавий шахсга айланиб бормоқда. Бу – яхши».

1920 йил 22 апрелда Козон губернияси ижроия қўмитасида Лениннинг 50-йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Олий даволаш-ўқув муассасаси – В.И.Ленин номидаги Козон клиника институти таъсис этилди (1923-95 йилларда В.И.Ленин номидаги шифокорларнинг малакасини ошириш Давлат институти).

1923 ЙИЛДАН БОШЛАБ КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ШАХСГА СИГИНИШНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

1923 йил 10 мартда, учинчи инсультдан кейин ўлим тўшағида ётган Ленин сиёсий фаолиятдан батамом кетди. Ричард Пайпснинг айтишича, бу инсультдан кейин у фақатгина бир бўғинлик сўзларнигина айта оладиган бўлиб қолди. Лениннинг энг яқин сафдошлари ўртасида ҳокимият учун аёвсиз кураш бошланди. Уларнинг ҳар бири Лениннинг большевиклар ўртасидаги анъанавий нуфуздан фойдаланишга уринарди. Шу пайтдан бошлаб Лениннинг шахсига сиғинишни тўхтатиб бўлмай қолди; Нина Тумаркиннинг айтишича, унинг шахсига сиғинишни мутлақо онгли равишда қучайтиришда 1923-24 йилларда ўша пайтда ҳукмрон бўлган Зиновьев-Каменев-Сталин «учлиги» ҳам, уларга қарши турган Троцкий ҳам бевосита иштирок этишди. Лениннинг ўринбосари бўлишга даъвогарларнинг барчаси у ҳақда кўплаб тумтарок мадҳиялар ёзишди. Улар орасида ўзини Ленинга тенг шахс деб қўрсатишга зўр бериб уринаётган Троцкийнинг

маколалари алохида ажралиб турарди (яна каранг: Троцкий ва Ленин). Масалан, Троцкий ўзининг маколаларидан бирида куйидаги кулгили воқеани айтиб берган эди: бир куни Троцкийнинг туфлиси оёғини сиккан экан, Ленин унга ўзиникини бериб турибди. Лекин Троцкийга унинг туфлиси ҳам тор келибди.

1923 йилдан бошлаб Ленин шахсига сигинишни бирдан кучайтириб юборган большевик дохийларининг самимийлиги биров шубхали кўринади. Масалан, 1924 йил январдаги партконференцияда Сталин XI съезднинг (1924) расмий баённомаларидан олиб ташланган бир нутқдан иктибосни ошкор қилди. Бу «децист» Тимофей Сапроновнинг чиқиши бўлиб, Сапронов унда Лениннинг «жохил» ва «олигарх» деб атаган эди. Орадан бир йил ўтгач эса худди ўша Сапронов Лениннинг «даҳолиги» ҳақида ошқора сўзлайди. Сталиннинг ўзи эса 1922 йилда Лениннинг касали жиддийлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳатто тиббий адабиёт оқелтириб, уни ўрганиб чиққан ва ўз сафдошлари орасида «Ленин тамом бўпти», деган. Сталиннинг бу гап Лениннинг ўзига ҳам етиб борган ва у бу жумлани ҳақорат деб атаган. Борис Бажановнинг хотираларига ишонадиган бўлсак, Сталин Лениннинг ўлиmidан сўнг, мени ҳеч ким кўрмаяпти деб ўйлаб, ҳокимият томон йўл очилди деб очикчасига қувонган.

Марксизмни гоаявий ривожлантирувчи яхлит таълимот шаклидаги ленинизм тушунчаси илк бор 1923 йилда пайдо бўлди. Шундай қилиб совет ҳукумати Ленинни узил-кесил Карл Маркс ва Фридрих Энгельслар билан бир даражага олиб чиқди. Ленин меросининг ниҳоятда эклектик (карама-қарши, зиддиятли) бўлгани учун Лениннинг сўзлари ёки ҳаётидаги фактларни бир-бирига қарши далил қилиб келтираётган томонлар ўртасида «иктибослар уруши» бошланиб кетди.

1923 йилда РКП(б) МК В.И. Ленин Институтини ташкил қилиб, ленин меросини ўрганиш никоби остида у билан боғлиқ барча материалларга яққаҳоқим бўлишга уринди. Институтни ўз назорати остига олиш партиядаги ҳокимият учун ички қурашнинг муҳим воситасига айланди, чунки бу ердаги материаллар ёрдамида рақибларга қарши уларнинг Ленин билан зиддиятга боргани ҳақидаги «компрогат» топиш мумкин эди.

Бу институт 1932 йилда К.Маркс ва Ф.Энгельс Институти билан бирлаштирилиб, ВКП(б) ҳузуридаги Маркс-Энгельс-Ленин Институти ташкил қилинди (кейинчалик КПСС МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм Институти). Ушбу институтнинг Марказий партия архивида Ленин қаламига мансуб 30 мингдан ортиқ ҳужжат сақланади.

Лениннинг расман чоп килинаётган таржимаи холларининг услуги 1923 йилдан бошлаб вокеликдан янада узоклашаверди. Бу таржимаи холларда Лениннинг ота томонидан бобоси «камбагаллардан» бўлгани хадеб такрорланаверар, бироқ Лениннинг отаси ҳам ва, табиийки, ўзи ҳам аслзода дворянлардан бўлгани хакида индамай кетиларди. Энди ёш Ульяновни ҳам акаси Александрга кўшилиб Маркснинг «Капитал»ини ўқиганга чикара бошлашди, холбуки аслида Ленин «Капитал» билан биринчи бор анча кейин танишган. Ричард Пайпснинг фикрича, ака-укаларнинг ораси яхши бўлмаган, шунинг учун уларнинг бирон нарсани биргаликда ўқиб-ўргангани хакида ҳеч қандай гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Ленин ахолисининг бешдан тўрт қисми дехконлардан ташкил топган мамлакатга раҳбарлик қилган. XX асрнинг бошларида рус дехконлари энг кўп ўқиган нарса эса, анъанага кўра, авлиёлар ҳаёти бўлган. Лениннинг ва бошқа инкилобчиларнинг романтиклаштирилган таржимаи холларини чоп этишдан мақсад эса ана шу китобларга таклид қилиб бўлиб, бу нарса дехконлар орасида жуда илик қутиб олинган.

1923 йилда яна бир тарғибот янгилиги – «Ленин бурчаги» пайдо бўлди (яна қаранг: Ленин кабинети). Бу эса рус қулбаларидаги иконалар турадиган «қизил бурчак»ка бевосита таклид қилиш эди. Ленин бурчаги илк бор 1923 йил 19 августда Бутунроссия қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик-саноат кўргазмасида намоёиш қилинди. Нина Тумаркиннинг айтишича, кўргазмага қўйилган Ленин бурчаги айнан дехконлар учун мўлжалланган бўлиб, улар орасида шу даражада машҳур бўлиб кетдики, заллардан «чарм, бўз, маҳорка тутуни ва пичан» хиди тутиб кетди.

Козон давлат университети 1924 йилдан В.И. Ульянов-Ленин номи Козон давлат университети деб атала бошлади. Университетнинг бундай номланиши 1925 йилда ВЦИК томонидан тасдиқланди.

1930-йилларда шаҳар-қишлоқларнинг кўчалари, майдонлари, ўқув муассасаларининг, заводларнинг мажлислар зали Лениннинг ўн минглаб бюст ва ҳайкаллари билан тўлиб-тошди. Уларнинг орасида санъат асарлари билан бир қаторда ҳеч қандай бадиий қиймати бўлмаган «шаҳсга сиғиниш» ашёлари ҳам бор эди. Лениннинг асарлари улкан тиражлар билан чоп қилина бошлади: 1940-50 йилларда Лениннинг 35 жилдлик асарлар тўпламининг 4-нашри 800 минг нусхада босилди. [\[1\]](#)

Турли объектларни қайта номлаш ва уларга Н.Крупскаянинг истагига қарши ўларок,

Ленин номини бериш бўйича ёппасига кампаниялар бўлиб ўтди. Энг олий давлат мукофоти Ленин ордени бўлди. Баъзан бундай ишлар Сталин шахсига сигиниш шаклланаётган шароитларда Сталин раҳбарлиги остида мувофиқлаштирилган, бундан мақсад ҳокимиятни эгаллаб олиш ва Сталинни Лениннинг вориси ва муносиб шогирди деб эълон қилиш бўлган, деган фикр билдирилади. [\[2\]](#)

1920-йилларда болаларга Лениннинг исм-фамилиясидан қисқартма қилинган исмлар қўйиш жуда оммалашиб кетди. Масалан, Владлен, Владилен, Вилен ёки Вил – Владимир Ильич Ленин; Марлен – Маркс ва Ленин; Вилор, Виленор, Вилеор, Вилорий – Владимир Ильич Ленин Организатор Революции, Нинель ва бошқа исмлар шулар жумласидандир.

СССР ТАЪСИРИНИНГ КУЧАЙИШИ ВА МУСТАМЛАКАДАН ЧИКАРИШ

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Ленин шахсига сигиниш янада кучая бошлади. Бу эса СССРнинг нуфузи ортиб, унинг таъсири Шаркий Европа ва Шаркий Осиёга таркала бошлагани билан боглиқ эди. Шаркий блок мамлакатларида Ленин дунё халқларини озодликка чиқаришни бошлаб берган Буюк Дохий сифатида тараннум этила бошлади. Социалистик мамлакатларда унинг асарлари ўрганила бошланди, унга хайкаллар қўйила бошланди, шаҳарларга унинг номи берила бошланди. БСЭ (Катта совет энциклопедияси) да айтилишича, ЮНЕСКО маълумотларига қараганда Ленин асарлари барча муаллифларнинг таржима қилинган асарлари орасида дунёда биринчи ўринни эгаллаган. [\[3\]](#) 1920-йилларнинг ўрталаридан 1950-йилларнинг охири ва 1960-йилларнинг бошларида СССР (1940-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ленин ва Сталин шахсига сигиниш Шаркий Европа ва Шаркий Осиёга тарқалди) ва социалистик мамлакатларда Ленин шахсига сигиниш Сталин шахсига сигиниш билан бирга олиб борилди, аммо кейинроқ бу ерларда Сталиндан узоклаштириш ўтказила бошланди, аммо Хитой ва Албания бундан бош тортишди. Бу мамлакатларда Ленин сиймоси энг мўътабар сиймолардан бири бўлиб қолаверди. Ленин шахсига сигиниш уруш тугагандан кейин бир неча йилгача давом этди. 1959 йил 1 январдаги Куба инқилобидан кейин Ленин шахсига сигиниш Кубага, Вьетнам урушидан кейин эса Жанубий Вьетнамга ҳам тарқалди.

Ленинни кўпинча мустамлакачиликка бархам бериш билан боғлашади. Бир катор мамлакатлар (Маврикий, Зимбабве, Хиндистон) мустамлака қарамлигидан халос бўлгач, бу ерларда Ленин хотираси абадийлаштирилди, унга хайкаллар қўйилди, унинг халқлар озодлигида тутган ўрни алоҳида таъкидланди. 2010 йилда Монпельеда мустамлакачиликни йўқ қилишда илк қадам қўйган инсон сифатида Ленинга хайкал қўйилди.

ЛЕНИННИНГ 100 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ (1970)

Америкалик тарихчи Нина Тумаркиннинг фикрича, Совет Россиясида 1920-йилларда Ленин шахсига салкам диний тарзда сиғиниш шубҳасиз муваффақият қозонган. Унинг айтишича, бунинг сабаби шуки, ўша даврда мамлакат аҳолисининг аксар қисми дехконлардан иборат бўлиб, улар азалдан диндор бўлишган, рус халқида эса «яхши подшоҳ»га нисбатан кўп асрлик ишонч ўрнашган эди.

1762 йилдаги Петр III вафот этгач, у дехконларни «озод қилмокчи» эди, шунинг учун дворянлар уни ўлдиришди деган афсоналар пайдо бўлди. Павел I нинг ўлдирилиши ҳам худди шундай афсоналарга сабаб бўлди. 1920-йилларнинг бошида кўпчилик дехконлар Ленинни харбий коммунизмнинг вайронкор тажрибаларига бархам бериб, мамлакатда НЭП (янги иқтисодий сиёсат) ўрнатган сиёсатчи деб билишарди. У 1924 йилда вафот этгач, «Энди нима бўлади? Лениннинг вориси ким бўлади? Большевик дохийлар аввалги одамхўр сиёсатини яна бошламайдими?» деган ташвишлар пайдо бўлди.

Умуман, шахсга сиғиниш 1923-24 йилларда Лениннинг вориси бўлишга асосий даъвогарлар – Зиновьев, Каменев, Сталин ва Троцкийлар томонидан шакллантирилди. Ленинга сиғиниш Россиядаги кўп асрлик анъанага бевосита боғлиқ эди: портретларни (иконаларни) илиб қўйиш, портретлар кўтариб, намойишлар қилиш ва кўчаларни тўлдириб юриш (хоч юришлари), илохийлаштирилган таржимаи ҳолларни чоп қилиш (авлиёлар ҳаёти), «Ленин бурчаклари» (рус кулбаларидаги икона турадиган «қизил бурчаклар») ва албатта, мавзолейдаги Ленин жасади (чиримас танлар). Тадқиқотчи

шахсга сигинишнинг бевосита меъморлари каторига, жумладан, Бонч-Бруевич ва маориф халк комиссари Луначарскийларни қўшади. Луначарский ёшлигида илохийлаштириш ҳаракатига аъзо бўлгани айниқса эътиборга лойикдир.

Аммо 1970-йилларнинг бошига келиб, ёппасига урбанизация ва индустриализация натижасида Россиядаги вазият кескин ўзгарди. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини шаҳарликлар ташкил қила бошлади. Нина Тумаркиннинг фикрича, шаҳарликлардан иборат қўпчилик Ленин шахсига сигинишнинг воқеликдан кескин ажралиб қолганини ёппасига англаб ета бошлади.

Шунга қарамай, ҳукумат Лениннинг нуфузини анъанавий равишда ўз қонунийлигининг асосий манбаи деб билишда давом этди. Шунинг учун 1970 йилда юбилей тантаналари мисли қўрилмаган кенг қўламда ташкил қилинди. Барча совет журналларининг апрель (1970) сони (шу жумладан, ҳажвий, мусикий журналлар ҳам, муҳандис-қурувчиларнинг журналлари ҳам, ҳатто йилкишунослик ва эпидемиология журналлари ҳам) тўлиқ ёки қисман «буюк дохий»га бағишланди, уларнинг барчасида бу мавзу апрель ойининг муқовасига чиқарилди (баъзиларида бошқа ойларида ҳам). Юбилей медали [\[4\]](#) ҳам, «пролетариат дохийси»га бағишланган бир рубл қийматлик танга ҳам зарб қилинди.

[\[5\]](#)

Аммо, тадқиқотчининг ибораси билан айтсак, халқ «хуштак қалса, қамбаракдан сакраб ўтаверадиган ўргатилган от эмаслигини» қўрсатди. Ленин мавзусининг қаддан ташқари шишириб юборилишидан халқнинг ошқора қорози эканини ифода этувчи латифаларнинг ёппасига тарқалиб кетиши «ҳукумат учун ёмон сигнал» бўлди.

ЛЕНИННИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ ШАХСИГА СИГИНИШ

Турли объектларга Лениннинг ўзидан ташқари, унинг қариндошларининг номи ҳам қўйиларди. Бунинг энг ёрқин мисолларидан бири унинг хотини Надежда Крупская бўлиб, унинг номи ҳам қўчаларга, олий ўқув юр்தларига, мактабларга қўйилар, унга ҳам ҳайкаллар ўрнатиларди. 1957-91 йилларида Москва давлат вилоят университети ҳам

Крупская номи остида бўлган. Хозирги кунда ҳам бир кандолат фабрикаси унинг номи билан аталади. Надежда Константиновнанинг ўзи Кремль девори остига дафн килинган.

1970 йилда Лениннинг 100 йиллик юбилейи шарафига бир катор шахарларда унинг ота-онасига ҳам ёдгорликлар ўрнатилди. Пенза шахридаги В.Г.Белинский номи 1-ўрта мактаб биносида Илья Николаевич ва Мария Александровна Ульяновларга хайкал ўрнатилди. Ленин хотираси айниқса кенг кўламда абадийлаштирган Ульяновск шахрида «Мария Ульяновна ўгли Володя билан» деб номланган ёдгорлик ўрнатилди. Ульяновск ва Астрахань шахарларида Илья Николаевич Ульяновга хайкаллар қўйилди. Унинг Ульяновскдаги қабри 1960 йилда минтакавий ахамиятга молик ёдгорликлар қаторига киритилди. Ульяновскдаги давлат педагогика университети ҳамда Чувашия давлат университети И.Н.Ульянов номи билан юритилади.

Лениннинг акаси Александр Ульяновнинг инкилобий фаолиятига ҳам кучли эътибор бериларди. Санкт-Петербургдаги бир кўчага унинг номи қўйилган.

1961 йилдан 1993 йилгача Москвадаги Яков-Апостольский кўчаси Лениннинг опаси Анна Елизарова номида бўлди. Шунингдек, 1964 йилдан 1991 йилгача Ленинграддаги Полозов кўчаси ҳам унинг номида бўлди. Томскда 1979 йилдан буён Елизаровлар кўчаси бор бўлиб, у Анна Ильинична ва унинг эри Марк Елизаров номига қўйилган эди.

Собик СССРнинг бир катор шахарларида Дмитрий Ульянов номи кўчалар бор. 1987 йилда суратга олинган «Кримда хар доим ҳам ёз бўлавермайди» номи фильм ҳам Дмитрий Ульяновга бағишланган.

Москвадаги кўчалардан бирига Мария Ульянованинг номи қўйилган. Мария Ильинична — Лениннинг Кремль деворлари остига дафн килинган икки қариндошидан биридир (Крупская билан бир қаторда).

«ИКТИБОСЛАР УРУШИ»

Ленин меросига хос бўлган жихатлардан бири унинг нихоятда эклектик (зиддиятли) эканидир. Тадкикотчи М.С.Восленский Лениннинг «Давлат ва инкилоб» номли фундаментал асарларидан бирига эътибор қаратади. Бу асар Ленин 1917 йилда Финляндияда кувгинда юрган пайтида, большевикларнинг ҳокимият тепасига келишидан бир неча ой аввал ёзилган бўлиб, тадкикотчининг фикрича, унинг бир неча нукталари Ленин амалга ошира бошлаган ўзгаришларга мутлако зид эди. Хусусан, бу асарда доимий армияни «умумхалқ курулгани» билан алмаштириш кўзда тутилган эди.

Лениннинг «НЭФ – бу жиддий ва узок муддатга мўлжалланган режадир» деган машҳур сўзи бор. Бирок, РКП(б)нинг 1921 йилги X съездида у эркин савдони большевиклар учун «Колчак билан Деникиндан кам бўлмаган хатар» деб атаган.

«Иктибослар уруши» Лениннинг вафотидан кейинок дарҳол бошланиб кетди. 1924 йил 17 июнда И.В.Сталин уком котиблари курсларидаги нуткида Лениннинг «НЭП Россиясидан социалистик Россия ташкил топади» деган сўзидан нотўғри иктибос келтириб, «Нэпманлар Россиясидан социалистик Россия ташкил топади» деб юборган Л.Б.Каменевни кескин танқид остига олди.

ВКП(б)нинг 1925 йил декабрдаги XIV съездида МК Сиёсий ҳисоботида Зиновьевнинг кўшма доклады «иктибослар уруши»га йирик мисол бўла олади. Бу доклад Лениннинг турли пайтларда айтган сўзларидан катта-катта иктибослардан иборат эди. Бирок, Зиновьев «иктибослар уруши» партия аъзоларининг каттагина қисмида ишончсизлик келтириб чиқараётгани тан олишга мажбур эди:

«Ўртоқлар, кейинги пайтда кўпчилик Владимир Ильичдан ҳадеб иктибос олавермаслик керак, бу руҳонийларнинг иши, бу «кўхна аҳд»нинг ўзи ва хоказо... Баъзан шундай дейишади. Яна: «Лениндан иктибос келтиришнинг нима кераги бор? Эски атторнинг кутисида ҳар нарсга бўлганидек, унда ҳам хохлаган нарсани топиш мумкин» дейишади. Менимча, бу мутлако нотўғри (Овозлар: «Ким шундай дейди?»). Кўпчилик шунақа дейди...»

Зиновьевдан кейин сўзга чиккан ва ўша пайтда унга мухолиф бўлган Бухарин Лениннинг бунга зид сўзларидан иктибос келтириб, уларни Зиновьев келтирган иктибосларга мутлако карама-карши маънода талкин килди:

Менимча, Ленинга бундай муомала килиш биров беписандлик бўлади. Иктибосларни хохлаган томонга буриб юбориш мумкин, лекин бу уларга нисбатан номуносиб муомала килиш керак дегани эмас... Ўрток Зиновьевга котиблардан бири иктибослар топиб берган, лекин уёгига гап қайси томонга кетишига қараб қўймаган. У эса бу иктибосни шартта олиб... (қулги)».

ШАХСГА СИГИНИШНИНГ АМАЛДАГИ КЎРИНИШЛАРИ

СССР ГИМНИ

СССР гимнинг 1943 йилги биринчи таҳририда Ленин (Сталин ҳам) бир марта ёдга олинган «...ва буюк Ленин ёритди йўлимизни...». Гимннинг иккинчи ва охириги таҳририда эса Ленин икки марта ёдга олинади: накоратда «...Ленин партияси – халқ қучидир...» деган жумла қўшилган («Совет байроғи, халқ байроғи» жумласи ўрнига). Бундан ташқари, бу таҳрирда Ленин нафакат «йўлни ёритган», балки «...халқларни ҳақ ишга қўтарди, бизларни меҳнат ва қаҳрамонликка илҳомлантирди» (биринчи таҳрирда Сталин «илҳомлантирган» эди). Лениннинг номи иттифокдош республикаларнинг гимнларида ҳам ёд этиларди.

СССРнинг олий давлат мукофоти 1930 йилда таъсис этилган Ленин ордени бўлди. Бу пайтгача мамлакатда умуман ҳеч қандай олий мукофот бўлмаган, энг фахрли мукофот эса Кизил Байрок ордени ҳисобланарди.

Эътиборга лойик жихати шундаки, Ленин тириклигида бирорта мукофот йўқ эди, унинг дафн маросимида эса унинг кийимига ВЦИК делегати белгисигина тақиб қўйилган эди.

ЛЕНИН ХАЙКАЛЛАРИ

Ленин шахсига сигинишнинг асосий қўринишларидан бири унинг хайкаллари оммавий равишда ишлаб чиқариш эди. Лениннинг бюстлари у тириклигидаёқ пайдо бўлган. Биринчи бюстлардан бири 1918 йил 7 ноябрда Воронеж губерниясининг Коротояк шаҳрида очилган. 1919 йилнинг охирига келиб Россия ҳудудида дохийнинг 20 дан ортиқ бюстлари бор эди [\[6\]](#). 20-йилларнинг бошида, совет ҳокимияти бошқа республикаларда ҳам ўрнатила бошлагач, бюстлар Россиядан ташқарида ҳам қурила бошлади. Лениннинг бўй баравар хайкали расман унинг вафотининг эртасига, 1924 йил 22 январь куни Богородск шаҳрида пайдо бўлди. Бу хайкал Ленин тириклигидаёқ қурила бошлаган эди. СССР парчалана бошлаган пайтгача ўрнатилган жами хайкалларнинг сонини аниқлаш ниятда қийин. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирги кунда бутун дунёда Лениннинг 5500-6000 га яқин хайкали бор бўлиб, улар 4 мингга аҳоли пунктларида ўрнатилган. Бу хайкалларнинг 3 мингдан ортиги Россияда, мингдан ортиги Украинада жойлашган.

Ленинга хайкаллар қўйиш бўйича унинг номи қўйилган шаҳар – Ленинград азалдан бошқалардан ажралиб турар, бу ерда қаида 90 та хайкал бор эди. Шунингдек, Москва ва у тугилган Ульяновск шаҳрида ҳам хайкаллар жуда кўп эди. Ленин хайкаллари бошқа мамлакатларда ҳам, хусусан, Шаркий блок мамлакатларида ҳам ўрнатиладди. Буюк Британия, Франция, Италия ва АКШда ҳам Ленинга бир неча хайкаллар қўйилган. [\[7\]](#) [\[8\]](#)

Жуда кўп шаҳарларда Ленин сурати туширилган лавҳалар ҳам бор. Ленин яшаган ёки тўхтаб ўтган деярли ҳар бир бинода, айниқса, Москва ва Ленинградда, ёдгорлик лавҳалар ўрнатилган. Москва ва Санкт-Петербургдаги бир неча метро станцияларида ҳам Лениннинг суратлари бор.

ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИ

В.И. Ленин мавзолейи – Москванинг бош майдонида 1924 йилда қад кўтарган ёдгорлик макбарасидир. Унинг учинчи варианты 1930 йилда қурилган. 1993 йилнинг октябригача Мавзолей ёнида фахрий қоровулнинг 1-рақамли пости бўлган. Асосий давлат байрамларини нишонлаш пайтида мавзолей трибуна вазифасини ўтаган.

Сиёсатшунос Д.Б.Орешкиннинг фикрича, большевиклар бу янги мажусий ибодатгоҳни атайлаб жорий қилишган бўлиб, унда «иймон манбаи ва маъбуд сифатида илоҳийлаштирилган аجدодларнинг мўмиёланган жасади, олий қохин сифатида эса бош қотиб» вазифасини бажарарди. Н.И.Бухарин шахсий бир мактубида шундай ёзган эди: «Биз... иконалар ўрнига дохийларнинг суратини илиб қўйдик. Пахом ва «қуйилар» учун коммунистик қайла остида Ильичнинг қолдиқларини очиб қўйишга ҳаракат қиламиз». Советолог Луис Фишер ўзининг Ленин ҳақидаги машҳур китобини тугатар экан, шундай ёзади: «Иконаларга қарши қурашган одам мўмиёланган жасадга айланди, миллионлаб одамлар унинг қиримас жасад мўъжизаси олдида қол қилиш учун мавзолейга қавбатда туришибди». [\[9\]](#)

ЛЕНИН ШАРАФИГА НОМЛАНГАН ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР

Ленин шарафига номланган дастлабки объектлар бу номни у тириклигидаёк олишган. Масалан, 1918 йилдаёк Россия харитасидаги турли шаҳарларда Ленин кўчалари ва шохкўчалари пайдо бўлган. 1918 йилда Талдом шаҳрининг номи Ленинск деб ўзгартирилди. Бир катор аҳоли пунктлари ҳам Ленин тириклигидаёк Ленино деб номланди.

1924 йил 21 январда Ленин вафот килгач, 26 январдаёк Петроград шаҳрининг номи Ленинград деб ўзгартирилди. Лениннинг она шаҳри Симбирскнинг номи ҳам 1924 йил 9 май куни Ульяновск деб ўзгартирилди. СССР парчаланган пайтга келиб Ленин номи билан аталган аҳоли пунктларининг жами сони бир неча ўн мингга етиб колган эди, шаҳар топонимларининг сонини аниклашнинг эса мутлако имкони йўқ. 1916 йилда кашф килинган, бироқ 1924 йилгача номланмаган астероид ҳам Владилен астероиди (852) деб номланди.

Эътиборга лойик жихати шуки, Лениннинг ўзи турли объектларнинг номини унинг шарафига ўзгартирилишига эътибор килмаган. 1918 йилда Михельсон заводидаги митингдан сўнг Ленинга Фанни Каплан томонидан суикасд уюштирилган эди. Ушбу заводнинг ишчилари 1922 йил 9 сентябрь куни заводга Ленин номини кўйишга қарор қилиб, унинг ўзини митингга таклиф қилишган. Бу пайтда оғир касал бўлган Ленин жавоб хати ёзиб, таклифни рад этган. Аммо бу хатда у заводни «Ленин номли завод» эмас, «собик Михельсон заводи» деб атаган.

ПУЛЛАР

10 рубл ва ундан юкори кийматли барча совет пулларида Лениннинг сурати бўлган. 1970 йилда дохийнинг ён томондан чизилган сурати 1 рубллик юбилей тангасига ҳам кўйилган бўлиб, бу сурат ўша пайтда зарб килинган юбилей медалидаги суратнинг айна ўзи эди.

ОНОМАСТИКА

XX асрнинг 20-йилларида дохийнинг исми ва фамилиясидан сунъий ясалган бир неча исмлар ёш ота-оналарга фарзандларининг метрикасига кўйиш учун (асосан Москва ва Ленинградда) тавсия килинган «янги совет исмлари» каторига кирди (хар доим, ҳамма жойда ва мажбурий бўлмаса ҳам). Бундай исмлар сифатида куйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: Вил, Виль (В.И.Л. дан олинган), Вилен, Вилена, Лени́на, Нинель ҳамда Владлен ва Владилен (охирги икки исм ҳам оддий славянча исмларга охангдош бўлгани, ҳам ота-оналарнинг янги ҳукуматга содиклигини ифодалагани учун янги исмлар орасида энг кўп таркалди). Илгари кам учраган (аммо мавжуд бўлган) Ильичёв фамилияси ўша йилларда кенг таркалган бўлиб, балогатга етган фукаролар юкоридаги сабаблардан келиб чикиб уни қабул қилган бўлиши, шунингдек, ота-онасиз қолган ёки ташлаб қетилган болага давлат амалдорлари томонидан берилган бўлиши мумкин.

Ленинча исмлар баъзи хорижий давлатлардаги ультрасўл ва коммунистик доираларда ҳам бироз таркалган. Масалан, Францияда қотиллик учун судланган, энг машхур халқаро террористлардан бири бўлган Шоко́л лакабли кимсанинг асл исми Ильич Рамирес Санчес бўлган. Унинг венесуэлалик «прогрессив» отаси уч ўғлига Владимир, Ильич, Ленин деб исм қўйган.

СССР ПАРЧАЛАНГАН КЕЙИН ЛЕНИНГА МУНОСАБАТ

Социалистик режим кулаб, СССР парчаланиб кетгач, 1991 йилнинг август-декабрь ойларида Ленин номини бартараф килиш жараёни бошлади. Бу жараённинг номи Сталин номини ҳамда коммунизм номини бартараф килиш каби жараёнлардан олинган бўлиб, Ленин шахсига сигиниш колдикларига бархам беришни англатади.

Юрий Пивоваровнинг фикрича, ленинлаштиришга бархам бериш Хрущёв пайтида бошланиб, диссидентлар томонидан давом эттирилган ва 1993 йилда чўккисига етиб, матбуотда Ленин образи мутлак зулм сиймосига айлантирилган. [\[10\]](#) Бунда «... бу эврилишлар асосан публицистикада, телевидениеда ва радиода юз берди... Лениннинг фош килиниши факат сўзда юз берди, мутлако ёки деярли мутлако моддийлашмади. Тўғрироғи, номоддийлашмади»

[\[11\]](#)

. Аммо кейинроқ Ельцин ижтимоий розилик йўлини танлади. Хукумат этик ва эстетик жихатдан бир-бирига мутлако карама-карши белгилардан бир пайтнинг ўзида фойдаланишга уринди. «Бургутлар ҳам, юлдузлар ҳам, патриарх ҳам, Окуджаванинг кўшиклари ҳам, Гуччи костюмларини кийиб олган (худди бировнинг елкасидан ечиб олгандек) партия хўжалик активлари ҳам, «поручик Голицын» ҳам, Жуков хайкали ҳам... Хар кандай йўл билан бўлса ҳам социал тинчлик керак!»

[\[12\]](#)

Ленинлаштиришни йўқотиш кўпроқ собик иттифокдош республикалар ҳамда Шаркий Европа мамлакатларида кузатилди. Жумладан, Ленин шахсига сигинишга карши кураш Болтикбўйи ва Ўрта Осиёда деярли оммавий тус олди. Аксилсовет кайфиятлар энг кўп таркалган минтакаларда (Болтикбўйи, Гарбий Украина, Молдавия) бу ҳаракат совет ҳокимияти пайтидаёқ, 80-90-йиллардаёқ бошланган эди. Масалан, СССРда Ленин хайкали олиб ташланган биринчи жой УССР Львов вилояти Червоноград шаҳри бўлди (1990 йил апрель). Шаркий Европа мамлакатларида ленинлаштиришни тугатиш жараёнлари бахмал инкилоблар пайтида, 1989 йилдаёқ бошланган. 1990-йилларда ЧРИда Лениннинг деярли барча хайкаллари йўқ килинди, Корабог зиддияти пайтида эса Ленинни иккала томон ҳам факат салбий баҳолар эди. Янги миллий раҳбарлар Лениннинг боскинчилик ва марказга бўйсундириш рамзи деб қабул қилишар, халқ қахрамонлари сифатида эса асосан миллий-озодлик курашчилари, совет диссидентлари ҳамда Фукаролик уруш йилларидаги миллий давлатчилик муассасаларининг арбоблари илгари суриларди.

2011 йилда Госдума депутаты Роберт Шлегель [\[13\]](#), тарихчи Андрей Зубов [\[14\]](#), Рус православ черкови

[\[15\]](#)

Россияда ленинлаштиришга бархам беришни ёклаб чикишди.

2013-14 йилнинг кишида Украинанинг кўплаб шаҳарларида Ленин хайкаллари бузиб ташланди.

Россияда ленинлаштиришга бархам беришни танкид қилиш асосан Лениннинг жасадини Мавзолейдан олиб чиқиш фикрига жавоб тариқасида юзага келган. Масалан, КПРФ фракцияси депутати Дмитрий Новик шундай деган: «Шуни ёдда тутиш керакки, Лениндек улкан шахслар фақат ўз-ўзига тегишли бўлмайди... Улар кетгач, миннатдор халқ уларга ўнлаб, баъзан юзлаб ёдгорликлар, баъзан эса мавзолейлар ўрнатади...». [\[16\]](#)

Ёзувчи ва публицист Дмитрий Быков эса «Ленин билан орани очик қилиб олиш»га ҳозирги ҳукуматнинг маънавий ҳаққи йўқ деб ҳисоблайди.

[\[17\]](#)

Ленин гоёларининг тарафдорлари ва рақиблари ўртасидаги баҳслар тўхтамаётган бўлса-да, Ленинни оддий тижорий брендга айлантиришни таклиф қилаётганлар ҳам бор (худди ҳозирги Хитойда Мао Цзэдунга ўхшатиб). 2013 йилда В.И.Ленин асарларининг путунхуа тилига таржимони Ван Цюань «Аргументы и факты» газетасининг муҳбири билан суҳбатда шундай деган эди: «...Биз мутлақо тушунмаямиз: нима учун сизлар ундан пул қилмайсизлар? Ахир Ленин Маодан ҳам зўр бренд-ку! Ёдгорликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйса бўлади... Сизларда қимдир уни илоҳийлаштириб юборар экан, қимдир лаънатлар экан. Лекин бунчалик чуқур кетмаган яхши. Сизлар Лениннинг гоёларини бутун дунёга тарқатиш учун пул тўлар эдингиз, аслида эса шунинг орқасидан пул қилиш керак». [\[18\]](#)

Ленинизмга қайтиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. 1990-йилларда Молдавияда Ленин ҳақида хотиралар аёвсиз йўқ қилинди, аммо ҳокимият тепасига коммунистлар келгач, мамлакатда Ленин «ижобий образи» тиклана бошлади. Коммунистлар ҳокимиятдан четлаштирилгач, Молдавия ҳукумати мамлакатда совет ёдгорликларини, жумладан, Ленинга бағишланган хотираларни сақлаб қолиш масаласига қайтишга уринди, бироқ тез орада Михай Гимпу ҳам четлаштирилди. Беларуссияда ҳам шундай бўлди, мустиқликка эришилгач, совет раҳбаридан воз кечиш бошланди, бироқ совет даврига мойилроқ бўлган президент А.Г.Лукашенко бу жараёни тўхтатди. 2012 йилда КиберЛенинка электрон кутубхонасига Ленин номи қўйилди.

ЛЕНИН ВА УНИНГ ОИЛАСИНИНГ ШАХСГА СИГИНИШГА МУНОСАБАТИ

Ленин ўзига нисбатан қилинаётган маддохликларга салбий қарар эди.

М.С.Восленскийнинг фикрича, азбаройи банд бўлганидан унинг бунга эътибор беришга вақти ҳам бўлмаган. Америкалик тарихчи Нина Тумаркиннинг айтишича эса, Ленин ўзининг «безарар икона»га айланиб қолишидан кўркан ва ўз издошларининг ҳамду саною мадхларига ишонмай, улардан ижрочиликни талаб қилган. Восленский ўзининг «Номенклатура» асарида таъкидлашича, агар Ленин Хрущёвдан кейин ўзининг шаънига айтилган «уятсиз мадхиялар»ни эшитса, «нихоятда жирканиб кетган бўлар эди».

Ленин ўз шахсининг улуғланишига қатъиян қарши эди. [\[19\]](#) Унинг ёрдамчиси В.Д.Бонч-Бруевич шундай эслайди: «Бир куни мени Лениннинг хузурига шошилишчакириб қолишди. У менга шундай хитоб қилди: «Бу қанақаси? Бунга қандай йўл қўйдингиз? Газеталарда нима ёзишаётганига бир қаранг! Одам ўқишга уялади. Мени хали ундай, хали бундай деб ёзишяпти, бўрттириб юборишяпти, мени дохий деб, қандайдир гайриоддий одам деб аташяпти. Мана бу ерда эса аллақандай гаройибот... Жамоа бўлиб, менинг соғ бўлишимни ишташяпти, талаб қилишяпти, хохлашяпти... Бунақада хали менинг соғлимини сўраб дуо қилишгаям боришади. Бу дахшатку ахир! Бу нарсалар қаяқдан келди? Биз бутун умр бир одамнинг шахси улуғланишига қарши гоёвий қурашиб келяпмиз, қахрамонлар масаласини ҳам аллақачон ҳал қилганмиз, буёқда эса бирданига шахсни улуғлашяпти! Бу ҳеч нарсага ярамайди... Мен ҳамма қатори одамман».

Бундан ташқари, Ленин ўзининг таъзим қилинадиган объект бўлишни истамаслигини омма олдида айтгани ҳам машҳурдир. Бу воқеа унинг тугилган кунини нишонламоқчи бўлишганларида содир бўлган. Ўшанда у ўзини улуғловчи нутқлар тўхтамагунча юбилей йигилишига қирмай турган эди. У танаффусдан сўнг қирғач, гулдурас қарсақлар билан қутиб олишган. Шунда у тўпланганларга мактовлар учун ҳамда уларни эшитишдан ҳалос қилишгани учун қамтарлик билан миннатдорчилик билдирган. Сўнгра Ленин вақти келиб, юбилей саналарини нишонлашнинг бундан ҳам «мақбулроқ усуллари» пайдо бўлса керак, деб умид билдирган ва ўз нутқини қундалиқ партия муаммоларининг муҳокамаси билан қунлаган. [\[20\]](#)

1924 йил 30 январь куни, Лениннинг вафотидан 9 кун кейин «Правда» газетасида Крупскаянинг мактуби чоп килинди. Унда куйидаги илтимослар бор эди: «Менинг сизларга катта илтимосим: Ильич билан боглик кайгуларингиз унинг шахсини сиртдан улуглашга ўтиб кетмасин. Бунга йўл қўйманг. Унга хайкаллар қўйманг, саройларни унинг номи билан атаманг, унинг хотирасига дабдабали тантаналар килманг ва хоказо. У ҳаётида буларнинг барчасига жуда кам аҳамият берар эди, буларнинг барчасидан жуда малолланар эди». [21] Бирок, бу ожиз норозиликка ҳеч ким қулоқ солмади. Биринчи Мавзолей қуриб бўлинган, Лениннинг танасини мўмийлаш ишлари бошлаб юборилган эди.

Абу Муслим: “ШАХСГА СИГИНИШ” китобидан

[1] Сочинения В. И. Ленина — статья из Большой советской энциклопедии.

[2] См. Е. Виттенберг, доктор исторических наук. Ленин против культа Ленина. Статья. // Настольный календарь за 1991 год. — М.: Издательство политической литературы, 1990. — ISBN 5-250-00957-3

[3] Сочинения В. И. Ленина — статья из Большой советской энциклопедии.

[4] Юбилейная медаль «За доблестный труд. В ознаменование 100-летия со дня рождения В. И. Ленина»

[5] 1 рубль 1970 «Сто лет со дня рождения В. И. Ленина» — самая массовая юбилейная монета

[6] Первые шаги монументальной ленинианы. Памятники В. И. Ленину в 1918—1925 годах

[7] Five Lenin statues in unexpected places — BBC News

[8] Montpellier unveils statue to 'great man' Lenin — BBC News

[9] Луис Фишер. Жизнь Ленина.

[10] Пивоваров Ю. С. Передельная Россия. № 7, июль. // kinoart.ru (07.2001).

[11] Пивоваров Ю. С. Передельная Россия. № 7, июль. // kinoart.ru (07.2001)

[12] Роберт Шлегель: «Я предлагаю деленинизацию страны»: Голос России.

[13] Роберт Шлегель: «Я предлагаю деленинизацию страны»: Голос России.

[14] Зубов А. Декоммунизация, а не десталинизация.

[15] Потребительское общество — это тупик. Православные священники о необходимости великих целей.

[16] Новиков Д. Г. Нынешняя Россия в долгу у Ленина и Сталина.

[17] Быков, Дмитрий. Марксизм и империокретинизм

[18] Зотов, Георгий. «Превратите Ленина в деньги!». Почему в Китае не отказываются от культа Мао Цзэдуна? // Аргументы и факты. — 2013. — № 45 (1722) за 6 ноября

[19] Такер, Роберт. Сталин. Путь к власти, 1879—1929 : История и личность.. — М.: Прогресс, 1991. — 478 с. — ISBN 5-01-003640-1.

[20] Такер, Роберт. Сталин. Путь к власти, 1879—1929 : История и личность.. — М.: Прогресс, 1991. — 478 с. — ISBN 5-01-003640-1.

[21] Пусть не померкнет её благородный образ. // gazeta-pravda.ru.